

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ТАРИХИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖАБҲАЛАРИ

Асатов Нурмуҳаммад Абдуназарович
Жиззах политехника институти
 Бино ва иншоотлар қурилиши, профессор
asatov_nur@list.ru

Карабеков Улугбек Абдукаримович
Жиззах политехника институти
 Бино ва иншоотлар қурилиши, ассистент
ulubek.karabekov.88@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Мақолада ижтимоий ҳамкорлик тарихи, халқаро тажрибалар таҳлили келтирилган. Ижтимоий ҳамкорлик моҳиятини изоҳловчи ёндашувлар ҳақида сўз боради. Ижтимоий ҳамкорлик соҳасига касб-ҳунар таълими жалб этилиши ва самарали тамойиллари айтилган. Муаллиф касб-ҳунар таълимида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш механизми ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди. Таълим муассасалари ишлаб чиқариш соҳалари ва бошқа ҳамкорлар билан тузиладиган шартнома фаолиятлари санаб ўтилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: ҳамкорлик, бозор иқтисодиёти, касаба уюшма, касб-ҳунар таълими, ишлаб чиқариш, шартнома.

Ижтимоий ҳамкорлик бугунги кун учун янги тушунчалардан бири саналади. Ушбу тушунча билан ривожланиш тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, у биринчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлганлиги ўрганилган манбаларда эътироф этилади. Унинг ғоявий асосини ижтимоий ислоҳотларга асос сифатида хизмат қилган хорижий олимлардан Фейербахнинг тарихий жараён регулятори сифатида XIX асрда етакчи ўрин тутган концепцияси, Л. Блан ва П.Прудонинг —Муносабатларни уйғунлаштириш концепцияси ва бошқа тараққиётнинг ижтимоий-демократик назариялари ҳисобланади. Ўтган асрдаёқ бир қатор иш берувчилар томонидан ҳар хил иш ташлаш ва норозиликларнинг олдини олиш мақсадида (Россия ва бошқа Ғарб давлатларида) омма билан келишган ҳолда иш тутишга ҳаракат қилинди. Бу эса —ишчи аристократларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Юқори маълумотга эгалик ва юксак касбий маҳорат корхона учун фойда, мутахассис учун яхши маош, ижтимоий ҳимояланишни яхшилашга олиб келиши, олдинги иш ташлашларни ҳар хил шартлашувлар орқали муаммоларни ҳал этишнинг янги йўллари бўлиб қолди. Бу борадаги янги ўзгаришлар биринчи жаҳон урушидан сўнг, жаҳонда касаба уюшмаларининг махсус ташкилотини тузиш муаммоларни ечишнинг янги йўлига айланди. Бундай ташкилотлардан бири 1919 йилда халқаро меҳнат ташкилоти ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Аммо халқаро ташкилот ташқи омил сифатида ҳукм суради. Аслида ижтимоий ҳамкорлик вужудга келишида етакчи омил, яъни ишлаб чиқаришда реал ўзгаришлар олиб келувчи ички омил зарур бўлади. Ғарбда ижтимоий ҳамкорликни ташкил этишнинг асосий омили илмий техник тараққиёт ҳисобланади. Натижада, жамият ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун янги имкониятларни қўлга киритди. Илмий техник тараққиёт бир вақтнинг ўзида юқори маълумотли профессионал мутахассислар таркиб топишига олиб келувчи ишчи кучига юксак талабларни вужудга келтирди. Ижтимоий ҳамкорлик моҳиятини изоҳловчи учта ёндашув мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:



1. Уйғунлашган утопик. Бу ёндашув вакиллари хусусий мулкчилар ва ёлланган ишчилар умумий манфаати асосида бирлашадилар. —Ортиқча зиддиятларсиз барча иштирокчилар ишлаб чиқариш жараёнига бир тан бўлиб, ҳаққоний иқтисодий қонунга таяниб бирлашади, деб тасдиқлайди ёндашув муаллифи Коменский [1].

Ижтимоий ҳамкорлик ҳеч бўлмаганда эришиб бўлмаслик тамойилига қизиқишлар асосида томонларнинг муносабатлари ва муносабатлар бирлигига кўра манфаатлари учун асосланади.

Аммо манфаатларни ягона жамоавий манфаатларга бирлаштириш қийин, кўпроқ имконсиз ҳолатдир.

2. Интерактив ёндашув. Бу ёндашув вакилларининг тасдиқлашича ижтимоий ҳамкорлик манфаатларнинг тенгликда таъминлаши ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тури ҳисобланади.

Ўйлаймизки, қуйидаги учинчи ёндашув ижтимоий ҳамкорлик тушунчасини етарлича очиб беришга имконият туғдиради.

3. «Ижтимоий ҳамкорлик бозор иқтисодиёти асосида цивилизациялашган жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос туридир. Унга хос қуйидаги белгилар мавжуд:- бу муносабат манфаатлари бир хил ва қарама-қарши ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари принципал жиҳатдан ҳар хил субъектлар ва томонлар орасида бўлади;

- бунда томонларнинг қарама-қаршилигига эмас, балки барқарор фойда келтирувчи ижтимоий мурасага эришиш йўлини излаш учун ишончли маълумотга эга эркин ишчи кучига йўналтирилган муносабатдир;

- бу тоифа муносабатларга жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ижтимоий барқарорлиги учун муҳим барча ижтимоий гуруҳлар қизиқади [2].

Шу тариқа, таълим муассасаси даражасида ижтимоий ҳамкорларнинг қуйидаги икки тоифаси, икки тури ҳақида гапириш мумкин: меҳнат бозори вакиллари ва таълим хизматлари бозорининг вакиллари. Бундай бўлиниш принципал хусусиятга эга, чунки фақат ўзаро ҳамкорликнинг хусусияти ва усулигина эмас, балки ана шу ҳамкорлик давомида амалга оширилувчи манфаатлар тизими ҳам типология учун асос бўлиб хизмат қилади.

Таълим муассасаларининг ижтимоий ҳамкорлар билан ишлашининг барча шакллари икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: шартномавий ва ташкилий.

Шартномавий шакллар икки ва кўп томонлама шартномалар асосидаги ўзаро ҳамкорликнинг барча турларини қамраб олади, ташкилий шакллар кўшимча органлар маслаҳат ва васийлик кенгашларини ташкил этиши орқали фаолият кўрсатади.


Таълим муассасалари ишлаб чиқариш соҳалари ва бошқа ҳамкорлар билан қуйидагилар бўйича шартнома тузиб фаолиятларни амалга оширар эдилар:

- ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш;
- ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларни ташкил қилиш;
- корхона ходимларини қайта тайёрлаш ва ўқитиш. Бугунги кунда юқорида санаб

ўтилган фаолиятлар сафига янгилари кўшилди:

- ҳамкорликдаги тижорат фаолияти ва лойиҳаларни амалга ошириш;
- танлов, ярмарка, кўргазмаларда биргаликда иштирок этиш;
- корхоналарга ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- маркетинг хизматларини кўрсатиш;
- халқаро лойиҳаларда биргаликда иштирок этиши;
- илмий-тадқиқот ва технологик ишларни амалга ошириш.

Ҳамкорликнинг ташкилий шакллари ижтимоий шериклар билан ўзаро биргаликда фаолият кўрсатишнинг анча юқори даражаси ҳисобланади. Улар махсус ваколатларга эга бўлган ва устав ҳужжатларига ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланадиган бошқа тартибга солувчи ҳужжатларга асосланиб ҳаракат қилувчи ташкилий тузилмаларни яратишни тақозо этади.



Одатда булар таълим муассасаларидан ташқари таълимнинг бошқарув органларини, бандлик хизмати, иш берувчилар, касаба уюшмаларни ўз ичига олувчи Кенгашлар (маслаҳат, касб-хунар, васийлик) ва бошқалардир, Кенгашлар фаолиятининг барча йўналишларини шартли равишда икки чизикда гуруҳлаштириш мумкин: маслаҳат ва васийлик. Шунга мувофиқ равишда ижтимоий ҳамкорлик ташкилий тузилмаларининг асосий турлари деб Маслаҳат ва Васийлик кенгашларини айтиш мумкин.

Республикада касб-хунар таълимида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришнинг объектив зарурати ва бундан умумий манфаатдорликнинг яққол кўриниб туришига қарамай мазкур тизимнинг вужудга келиш жараёни ҳозирча жуда суҳт бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Карабеков, У. А., & Каримов, В. Ш. У. (2021). Использование ГИС-технологий в городах строительство. *Science and Education*, 2(5), 257-262.
2. Karabekov, U. A. (2022). IMPROVE THE USE OF GIS IN LAND MANAGEMENT FOR AGRICULTURE AND FARMERS. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 256-259.
3. Karabekov, U. B. A. (2022). Qishloq xo‘jaligi va landshaft kartalarini yaratishda GAT dasturlarini qo‘llash texnologiyasini takomillashtirish. *Science and Education*, 3(2), 163-168.4. Рыбина А.А. Социальное партнерство субъектов образовательного пространства с представителями различных сфер экономики и общественной жизни как важнейшее условие подготовки учащейся молодежи к социально-профессиональному самоопределению. М.,1998. –
4. Карабеков, У. А. (2022). Роль лазерных сканеров в картографии объектов строительства. *Механика и технология, (Спецвыпуск 2)*, 223-226.
5. Улуғбек Абдукаримович Карабеков, Санжар Шодмон Ўғли Худойкулов, & Марғуба Шавкатовна Исматова (2023). Инновацион технологиялар асосидаер ресурсларидан самарали фойдаланиш. *Science and Education*, 4 (4), 113-119.
6. Худайкулов, Н. Ж. (2021). Масофадан зондлаш технологияларидан харита тузиш ишларида фойдаланиш. *Science and Education*, 2(5), 217-222.
7. Худайкулов, Н. Д. (2022). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЛАЗЕРНОГО СКАНИРОВАНИЯ ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 238-243.
8. Xudaykulov, N. D. (2022). Qishloq xo‘jaligi yerlarini masofadan zondlash texnologiyalarini zamonaviy dasturlar orqali qo‘llash. *Science and Education*, 3(2), 408-413.

